



ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛИШИНING ИЖТИМОЙ ЖИХАТЛАРИ

Наманган давлат университети
Социология йўналиши талабаси,
Абдурахимова Широной Шермирза қизи
Илмий раҳбар: Қозоқов Собиржон Зокиржонович

Аннотация: Мақолада мустақиллик йилларида мамлакатимиздаги оилавий тадбиркорлик фаолиятининг вужудга келиш сабаблари ўрганилган. Муаллиф мамлакатимиздаги бозор иқтисодиёти шароитида оилавий тадбиркорлик фаолиятига давлат томонидан яратиб берилаётган имкониятлар ва улардан фойдаланишни таҳлил қилган.

Шунингдек, бозор муносабатлари шароитида оилавий тадбиркорликни афзалликлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик, оила, миллий қадрият, хунармандчилик, имтиёзли кредит, мулкӣ муносабатлар.

Оилавий тадбиркорликни фаолиятини ривожлантириш бозор муносабатлари шароитида муҳим социал-иқтисодий аҳамиятга эга ҳисобланиб, у энг аввало, оилалар фаровонлигини оширишнинг муҳим омилидир. Зеро, бозор муносабатлари шароитида иш ҳаққи, ўртача даромад каби кўрсаткичлар ўзининг яшовчанлик моҳиятини йўқотади. Чунки, бозор муносабатлари шароити инсонларнинг эҳтиёжларини чеклаш имкониятига эга эмас. Шу сабабдан, бундай шароитда ҳар бир инсон кўп даромад олишга интилади ва бу билан ўз ҳаётини ижтимоӣ жиҳатдан яхшилаб олиш имкониятига эга бўлади.

Мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик фаолиятини алоҳида институт сифатида ўрганила бошлади. Чунки, жаҳон тажрибасида оилавий тадбиркорлик фаолияти ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг асосини ташкил этиш билан биргаликда, жамият аъзоларига мотивация берувчи катализатор вазифасини ҳам бажаради. Жумладан, ялпи миллий маҳсулотнинг Европа мамлакатларида 40-50 фоизини, Осиё давлатларида 65 фоиздан 82 фоизгача, Лотин Америкада 70 фоизга





яқини оилавий тадбиркорлик фаолиятига тўғри келади. АҚШ иқтисодиётининг 95 фоиздан зиёдини оилавий тадбиркорлик ташкил этади [1].

Шу сабабдан ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда ҳам оилавий тадбиркорлик фаолиятига алоҳида эътибор берилди ва яратиб берилган имкониятлар натижасида ҳозирги кунда Республикамизда оилавий корхоналарнинг сони 13 мингдан ортиқни ташкил этмоқда [2].

Тадбиркорлик фаолияти ҳалқимиз учун янгилик ҳисобланмайди. Чунки, ҳалқимиз қадим замонлардан ота-боболарининг фаолиятини сулола сифатида давом эттириб келишган бўлиб, бу ҳалқимизнинг онги ва шурига сингиб кетган қадриятларимиздан ҳисобланади. Ҳалқимизнинг муқаддас дини ҳисобланган ислом динининг муқаддас китоблари “Қуръон” ва “Ҳадис” ларда тадбиркорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратиб ўтилган. Буни биз, “Қуръон” нинг ҳар бир оятида ҳам кўришимиз мумкин. Сабаби, унинг ҳар бир ояти инсонларни покликка, иймонга чорлайди. Шу билан биргаликда 293 ояти бевосита инсонларнинг иқтисодий тафаккурига бағишланган бўлиб, жумладан унда, инсонларни барча моддий неъматлардан, ресурслардан оқилона фойдаланишга, ҳалол меҳнат қилишга, тежамли бўлишга, меҳру-шавқатга, ҳалолликка ундайди. Бундан ташқари, “Қуръон” да Ислом динидаги мулк тушунчаси, унинг моҳияти одамлар қўлидаги бойлик - бу Оллоҳнинг бойлиги, одамлар эса фақат унинг ердаги бошқарувчилари эканлигини тан олишдан иборат [3]. Шу сабабдан ҳам мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан миллий қадриятларимиздан бири бўлган оилавий тадбиркорлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса ҳалқимизнинг маънавий меросини асрлар оша бизгача келишини таъминламоқда.

Даставвал оилавий тадбиркорлик тушунчасининг илмий жиҳатларини ёритиб ўтиш лозим. 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида оилавий тадбиркорлик фаолиятига қуйидагича таъриф берилган. Оилавий тадбиркорлик - оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир.





Мамлакатимизда оиланинг ўрни ва у жамият тараққиётида алоҳида аҳамият касб этганлигини Республикамизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг қуйидаги фикрлари бунга яққол мисол бўла олади: “Оила бизнинг ҳалқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган муҳим ҳаётий кадриятлардан биридир.

Республикада оилалар кўп сонли бўлиб, уларда турли авлод вакиллари биргаликда яшайди ва бирга ҳўжалик юритади, бу эса болаларни тарбиялаш, уларни умуминсоний маънавий кадриятлар анъаналардан баҳраманд қилишига билим даражасини ошириш учун қулай шароитлар яратади. Худди ана шундай анъаналардан, одамлар болалик чоғлариданоқ меҳнатсеварлик катталарга ҳурмат, билимга интилишни ўрганадилар” [4].

Ҳақиқатдан ҳам, мамлакатимиздаги оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда оилавий кадриятларга амал қилган ҳолда ўз фаолиятларини юритаётганлигидан далолат беради. Оилавий тадбиркорликнинг миллий кадриятларимизга мос келиши, яъни оилавий тадбиркорлик тузилмасини ташкил этишда оила бошлиғининг фикри устуворлигини англатади. Чунки, ҳалқимизнинг анъана ва кадриятларимиздан келиб чиқиб таҳлил қиладиган бўлсак, оилаларимизда катталарнинг фикри билан ҳисоблашиш муҳим аҳамиятни касб этади. Сабаби, қарор қабул қилишдаги сўнги сўзни оила бошлиқларининг айтиши тадбиркорлик қарорларининг қабул қилишни осонлаштиради.

Ҳозирги кунда республикамизнинг бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган шаҳарлари, Чуст, Марғилон, Қўқон ва бошқа шаҳарларида оилавий тадбиркорлик анча ривожланмоқда. Бу ишлар бевосита миллий ҳунармандчилигимиз билан боғлиқдир. Чунки, оилавий тадбиркорлик ҳар бир оилада муайян бир усулда у ёки бу даражада ота-боболар қон-қонимизга сингдирган, тарихан шаклланган маънавий кадрият бўлиб, оила аъзоларини жисмоний ва интеллектуал салоҳиятида табиий равишда мавжуд бўлади. Фақат уни юзага чиқиши ва амалий натижалар ҳосил қилиши учун жамиятда зарурий, объектив ва субъектив шарт-шароитлар яратилиши керак. Хусусий мулкчилик муносабатлари асосида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда яратилаётган қулай имкониятлар шу мақсадларга хизмат қилади.





Дарҳақиқат, оилада ёшларга миллий ҳунармандчиликдан сабоқ берилиши ўз навбатида ҳалқимиз орасида асрлардан бери сақланиб келаётган миллий қадриятларимизни тиклаш ва уларни такомиллаштиришга ёрдам беради.

Бундан ташқари, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида оилавий тадбиркорликка яратилаётган қулайликлар туфайли, бу тенденция аста-секин

ўзгариб бормоқда. Чунки, ҳозирги кунда шаҳар аҳолисининг муайян қисмини қишлоққа қайтишга ундаётган мотивлар ҳам шу тенденциянинг бир кўринишидир. Шу билан биргаликда, ўтиш давридаги иқтисодий қийинчиликлар, кўп оилаларнинг турмуш даражасига сезиларли таъсир кўрсатди ва уларнинг касбкорларини ўзгартиришга мажбур қилди. Маҳаллий

аҳоли орасида анъанавий усулларда тадбиркорлик фаолиятини юритишга интилишнинг ўсиб бораётганлиги, оилавий тадбиркорликнинг тикланиш ва ривожланиш жараёни учун асосланган истиқболли режалар ишлаб чиқишни талаб қилмоқда.

Ҳозирги глобаллашаётган жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистон янги мақсадлар билан ўз тараққиёт йўлини танлаб олган бўлиб, мамлакатимиз тараққиётининг пировард мақсади озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт кечиришга қаратилган. Шундай бўлгач, иқтисодий кўрсаткичлар билан эмас, балки ҳар бир шахс, фуқаронинг фаровонлиги билан белгиланади. Жамиятга тадбиркорлар сонини бутун аҳолига эмас, маҳаллалар, оилалар сонига нисбатан олиш лозим. Ҳар бир оилада тадбиркор бўлишига эришсакгина бутун аҳоли фаровонлигини таъминлашга мувофақ бўламиз. Мана шу эзгу мақсадни ўз олдига қўйган Президентимиз Ш. Мирзиёев томонидан 2018 йил 7 июнда “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастури амалга ошириш бўйича Президент қарори чиқди. Биргина 2017 йил оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун республикамызда 1 триллион сўм маблағ ажратилган бўлса[6], 2018 йилнинг ўзида “Ҳар бир оила-тадбиркор”, “Ёшлар-келажагимиз” дастурларига мувофиқ давлатимиз томонидан 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 минг 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалари амалга оширилди [7].

Бундан кўриниб турибдики, ҳозирги кунда республикамызда оилавий тадбиркорлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши, ўз-ўзидан ҳар бир оиладаги мавжуд





ишсизларни иш билан банд бўлиш имконини беради. Шу билан биргаликда оилавий тадбиркорлик бир қанча афзалликларга ҳам эга. Буларга:

- Оилавий тадбиркорликда мулкый муносабатларда зиддият бўлмаслиги. Чунки, фаолиятнинг бу турида мулк оиланики ҳисобланади. Шу жумладан, олинган даромад ҳам оила аъзолари ўртасида ўзаро тақсимлаб олинади;

- Оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун катта маблағ талаб этилмаслиги. Сабаби, оилавий тадбиркорлик фаолиятининг асосий капитали оила бюджетидан келиб чиқади. Чунки, оила аъзоларининг барчаси бир-бирини ички имкониятларини яхши ўзлаштирган бўлади;

- Иш берувчи ва ишловчи ўртасидаги муносабатда ҳам келишмовчиликларни барҳам топиши, чунки уларнинг иккисида ҳам битта оила аъзолари иштирок этади;

- Меҳнат маҳсулидан манфаатдорлик ҳам бир ҳил бўлиши каби ҳолатлар киради. Шу туфайли, тадбиркорлик оламида оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши муҳим концептуал аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда, Республикамизда оилавий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган оилалар сони кўпайиб бормокда. Бироқ фаолиятини тўхтатган оилалар сони ҳам оз эмас. Бунга сабаб, бир томондан-бундай оилаларда хусусий ишни ривожлантириш учун зарур тажриба ва билимларнинг йўқлиги. Иккинчи томондан - ишнинг ривожланишига бозор жараёнларини бошқариш тизимидаги баъзи мураккабликлар бунга йўл қўймайди. Учинчи томондан-янги технологияга асосланган ахборот базасининг етарли эмаслиги.

Юқоридаги омилларга қўшимча қилиб шуни айтишимиз мумкинки, оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши ва рақобатбардошлиги унинг иқтисодий самарадорлигига боғлиқ. Афсуски, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган оилалар кўпчилигининг иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари хали юқори эмас.

Оилавий тадбиркорлик фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирларни қўллаш мақсадга мувофиқ келиши мумкин:

- Оила доирасида тадбиркорликни ривожлантириш учун аввало, уларнинг фаолиятини кредитлашни соддалаштириш ва кенгайтириш зарур;





- Тадбиркор оилаларнинг ҳуқуқларини янада кенгайтириш, шартнома асосида ишлашда махсус малакали мутахассис кадрлар билан ёрдам бериш;
 - Умумий ўрта мактаб, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ўқув курслари ташкил этиш;
 - Қишлоқ жойларида оилавий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган оилаларга ҳар томонлама, ҳам давлат, ҳам жамоатчилик томонидан қўшимча имтиёзлар яратиш каби омиллар;
 - Давлат томонидан имтиёзли кредитлар берилиши. Масалан: қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун иссиқхоналарни қуриш ва таъмирлаш учун, чорва моллари ва парранда сотиб олишга ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Бу имтиёзли кредитлар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига йиллик 8 фоиз ставкада 3-6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратилади[5].
 - Оилавий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун республика миқёсида “Ташаббус” кўрик танловини ҳар йили ўтказиб бориш;
 - Давлат томонидан имтиёзли солиқ тизимини жорий этиш. 2019 йил 1 январдан бошлаб иш ҳақидан тўланадиган солиқлар 12 фоизга туширилиб, даромад ва ягона ижтимоий тўловдан озод бўлди[6].
- Оилавий тадбиркорлик фаолиятининг авж олиши, республикамиз аҳолисида кўп тармоқли фаолият юритишни, бир неча касб-ҳунарларни пухта ўзлаштиришни тақозо қилади. Бу ўринда оилавий шароитдан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учу ҳар бир оила анъанавий ҳунармандчилик турларини тиклаш ва ривожлантиришга, шу орқали қўшимча даромад ишлашга ҳаракат қилмоқда.
- Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, тадбиркорликлик фаолияти халқимиз онгига миллий кадрият бўлиб сингиш билан биргаликда, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади.





Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Ўзбекистонда оилавий тадбиркорлик қандай йўлга қўйилган?”
<https://daryo.uz/k/2019/01/21/>
2. Ўша жой. <https://daryo.uz/k/2019/01/21/>
3. Ш.Н. Рўзиназаров, К.О. Синдиров “Тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари” – Тошкент-2002. Б.-5.
4. И. Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” Тошкент-Ўзбекистон-1997й. 256- бет.
5. “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 7 март ПҚ-4231-сон. <https://lex.uz/docs/>
6. Ш. Мирзиёев. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз” Тошкент-Ўзбекистон-2018й. 347-бет.
7. Ш. Мирзиёев. “Олий Мажлисга Мурожаатномаси” //Халқ сўзи газетаси. 2018 йил 29 декабрь. № 271-272 сони.

GLOBAL SCHOLARS
SCIENTIFIC PUBLISHING

